



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI**  
**POP TUMANI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

2021 - yil 14 - oktabr

331-6-84-Q/21

Pop tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 4 октябрдаги 618-сон қарорини тумандаги ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 4 октябрдаги 618-сон қарори ижросини туманда таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 4 октябрдаги 618-сон ҳамда шу мазмундаги Наманган вилояти ҳокимининг 11 октябрдаги 301-6-0-Q/21-сонли қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарорига мувофиқ Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни

ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, субсидиялар тақдим этиш миқдорларини белгилаш, шунингдек, маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишига қараб субсидиянинг қатъий миқдорини белгилаш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

қуйидагиларни назарда тутувчи Маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низом илова мувофиқ тасдиқланганлиги:

экспорт қилувчиларга маҳсулотларни экспортга ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиб бориш шартлари;

компенсация олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, уларни қабул қилиш, кўриб чиқиш, компенсация бериш ёки рад этиш тартиби;

компенсация миқдорини ҳисоблаш ва тўловини амалга ошириш тартиби белгиланганлиги эътиборга олинсин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари (Р.Онарбоев), манфаатдор ташкилот ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 октябрдаги 618-сон қарори иловаси билан тасдиқланган низом талаблари асосида иш ташкил этсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Онарбоев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Султанов А.М.